
"Намуна" маҳалласининг ички йўллари текис ва равон бўлади

Бугун Бағдод туманининг барча қишлоғ-у маҳалласида қурилиш-ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Худудлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурлар ижроси, ислохотлар самараси, тумандаги қишлоқ ва маҳаллалар ободлиги ҳамюртларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётир.

Жумладан, "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси кўп йиллардан бери ички йўлларнинг абгор ҳолатидан шикоят қилар эдилар. Алоҳида дастур асосида ажратилган маблағ ҳисобига, худуддаги ички йўлларнинг 2 минг 645 метр қисми шағалланиб, эндиликда афсальт ётқизиш ишлари давом этмоқда.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Жаҳонгир Собиржоновнинг айтишича, режага мувофиқ, Тинчлик, Шодлик ҳамда Обод кўчалари текис ва равон кўриниш олади.

Маҳалла аҳли ҳозирда "Ташаббусли бюджет"нинг жорий йилдаги иккинчи мавсуми учун худуд инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилувчи лойиҳа-таклифларни тайёрламоқдалар. Овоз бериш жараёнини уюшқоқлик билан ўтказишни мақсад қилиб турган аҳоли маҳаллага ўзгача шукуҳ бағишлаётган равон йўллар ва кўркам қиёфадан жуда-жуда мамнун.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-02 17:43:18